O‘zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasi gazetasi

Ishonch

Insonga naf keltirish — oliy baxt!

http://www.ishonch-doverie.uz

Gazeta 1991-yil 21-martdan chiqa boshlagan

2012-yil 13-mart № 32 (3069) seshanba

«Устоз-шогирд» тизими амалда

Бугунги талаба — эртанги мутахассис

Касб-хунар коллежлари ва академик лицейлар битирувчиларини ишга жойлаштириш масаласи барчамизнинг жиддий ва доимий эътиборимиз марказида туриши зарур.

Бу йил юртимизда 516 минг нафардан зиёд йигит-қиз коллеж ва лицейларни тамомлайди. Уларнинг қаерга ишга жойлашишини ҳозирданоқ аниқ белгилаб олиш, корхоналар билан ишлаб чиқариш амалиётини ўташ ва ундан сўнг ишга қабул қилиш бўйича шартномаларнинг ўз вақтида тузилишини таъминлаш — бундай масалаларни алоҳида назоратга олиш лозим.

Ислом КАРИМОВ

Юқори Чирчиқ агросаноат ва иқтисодиёт касб-ҳунар коллежида 47 нафар ўқитувчи ва 15 нафар амалиёт устаси 994 нафар ўқувчига сабоқ бериб келмоқда. Бу ерда «Устоз-шогирд» анъанаси асосида ёшлар турли йўналишлар бўйича ҳунар эгаллашмоқда.

Жумладан, тикувчилик йўналиши бўйича 4 та гуруҳда 120 нафар қиз амалиёт раҳбари А. Зулфуқоровадан тикувчилик сир-асрорини ўрганяпти.

— Ўқувчи қизларнинг маҳоратини янада ошириш мақсадида яқинда 10 та замонавий тикув машинаси келтирилди, — дейди ўқув ишлари бўйича директор ўринбосари Муҳайё Усмонова.

Транспорт воситаларига техник хизмат кўрсатиш йўналишидаги 5 та гуруҳда эса 150 нафар ўқувчи МТПларда ўқув амалиётини ўтамоқда. Дарвоқе, автотранспорт воситаларига техник хизмат кўрсатиш ва амалий машғулот ўташ учун олиб келинган янги русумдаги трактор ўқувчиларнинг назарий билимларини амалиётга татбиқ этишида қўл келмоқда.

Суратларда: *Амалиёт ўқитувчиси Асадулло Умаров амалиётчига кўрсатма бермоқда; коллеж ўқувчиси Мастура Ганиева.*

Икром ҲАСАНОВ олган суратлар

Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши Раёсатининг 2011 йил 5 майдаги «Устоз-шогирд» усулини жорий этилиши борасидаги ишларда Федерацияга аъзо ташкилотлар ва улар қошидаги Ёшлар кенгашларининг фаолиятларини янада кучайтириш тўғрисида»ги қарорида кўрсатилган долзарб масалалар қаторида касб-ҳунар коллежлари битирувчиларини иш билан таъминлаш йўналишидаги вазифаларни ҳаётга татбиқ этиш юзасидан ҳам касаба уюшма ташкилотларида муайян ишлар амалга оширилмоқда.

Жумладан, коллеж ўқувчилари таркибидан корхонада амалиёт ўтаётган ва битириб ишга келганларни моддий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш тизими жорий этилган. Бунда касаба уюшма маблағидан бюджет ташкилот ва корхоналарда амалиёт ўташга бириктирилган коллеж ўқувчилари учун энг кам иш ҳақининг 20 фоизи ва коллежни имтиёзли диплом билан битириб, ишга жойлашган ходимлар учун энг кам иш ҳақининг 50 фоизи миқдорида бир марталик моддий ёрдам кўрсатиш белгиланган.

Ўтган даврда қарор ижросини таъминлаш мақсадида 2483 нафар ўқувчига 20 фоизли, 627 нафар ўқувчига 50 фоизли моддий ёрдам кўрсатилган. Бунинг учун касаба уюшма маблағларидан 44 млн. 626 минг сўм ажратилган.

Аммо мазкур йўналишларда амалга оширилаётган ишларда айрим жузъий камчиликлар ҳам учраб турибди. Уларни бартараф этиш ҳамда касб-ҳунар коллежлари битирувчиларини иш билан таъминлаш борасидаги ишлар самарадорлигини ошириш мақсадида Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши Раёсати томонидан тегишли қарор қабул қилинди. Унда мазкур масалага янгича ёндашган ҳолда, ушбу йўналишда қилиниши керак бўлган вазифалар белгилаб берилди.

Унга кўра, касаба уюшмалари Марказий, Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар, Тошкент шаҳар ташкилотлари бирлашмалари кенгашларига коллеж битирувчилари бандлигини таъминлашга кўмаклашиш учун «Устоз-шогирд» тизимини жорий этишга оид қўшимча аниқ манзилли чора-тадбирлар ишлаб чиқиш вазифаси юклатилди.

Бунда асосий эътибор, аввало, ўрта махсус, касб-ҳунар коллежларида таҳсил олаётган кам таъминланган ўқувчиларга корхона, ташкилот ва муассасаларга ишлаб чиқариш амалиётига боргандан кейин уларни моддий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш мақсадида республикада белгиланган энг кам иш ҳақининг 20 фоизи миқдорида моддий ёрдам пули бериш лозимлиги белгиланди.

Шунингдек, ўрта махсус, касб-ҳунар коллежларини 2012 йилда имтиёзли диплом билан тугатган ёки кам таъминланган битирувчиларга ишга жойлашгандан кейин республикада белгиланган энг кам иш ҳақининг 50 фоизи миқдорида бир марталик моддий ёрдам бериш кўзда тутилмоқда.

(Давоми 2-бетда).

Конференция

Мақсад бир, фаолият муштарак

Самарқандда «Марказгазтаъминот» унитар корхонаси жамоасининг конференциясида «Корхонада қабул қилинган жамоа шартномасининг 2011 йилдаги ижроси ҳамда 2012-2014 йиллар учун мўлжалланган янги жамоа шартномасини қабул қилиш тўғрисида»ги масала муҳокама этилди.

Самарқанд, Жиззах, Сирдарё вилоятларидаги филиаллар билан қўшиб ҳисоблаганда 4954 нафар ходим хизмат қилаётган жамоада мўътадил ишчанлик муҳити яратилган. Маъмурият ва бирлашган касаба уюшма қўмитаси ўтган йили жамоа шартномаси ижросини таъминлашга алоҳида эътибор қаратди.

Кун тартибидаги масала юзасидан корхона директори Файзиддин Бойжигитов маъруза қилди.

Таъкидлаш жоизки, ўтган йили ходимларга муносиб иш шароити яратиш, рағбатлантириш, моддий ва маънавий қўллаб-қувватлаш бўйича барча самарали усуллар ишга солинди. Ўртача иш ҳақи 355,2 минг сўмни ташкил этди. Турли шароитларда ишловчи 1486 нафар ишчи меҳнатига ҳақ тўлашда уларнинг тариф ставкаларига тармоқ коэффициентлари қўлланилиб, 695 млн. 338 минг сўм тўлаб берилди. Шунингдек, барча ходимларга асосий таътиллардан ташқари, меҳнатнинг ноқулай шароитлари ва махсус характерга эга ишлар учун қўшимча таътиллар бериляпти. Ушбу имтиёз учун корхона ғазнасидан 305 млн. сўм ажратилди. Корхонада узоқ йиллар меҳнат қилган ходимларга жамоа шартномаси асосида 2 млрд. 334 млн. сўм мукофот пуллари тўланди.

Меҳнат муҳофазаси жамоа шартномасининг асосини ташкил этади. Шу боис хавфсиз иш ўрни яратиш, ходимларнинг иш жараёнида жароҳатланишига йўл қўймаслик чора-тадбирлари кўрилаяпти. Маъмурият меҳнатни муҳофаза қилиш, иш ўринларида меҳнат шароитларини, хавфсизлик техникаси аҳволини яхшилаш юзасидан белгиланган тадбирларнинг бажарилишига 215 млн. 261 минг сўм сарфлади.

Бундан ташқари, ўтган йили ходимлар оиласи, турмуш шароитини яхшилашга кўмаклашиш юзасидан ҳам муайян ишлар амалга оширилди. Жумладан, 52 нафар ходимга қишлоқ жойларда барпо этилаётган намунавий лойиҳадаги уй-жойлардан харид қилиши учун бошланғич бадал тарзида 1 млрд. 285 млн. сўм тўланди.

(Давоми 2-бетда).

2012 йил — Мустаҳкам оила йили

Хоразм вилоят касаба уюшма ташкилотлари бирлашмасининг Хотин-қизлар билан ишлаш комиссияси томонидан ушбу мавзуда семинар-кенгаш ташкил қилинди. Анжуманда таъкидланганидек, қисқа вақт мобайнида комиссия вилоятдаги хотин-қизлар ҳаётига кириб боришга улгурди. Эндиликда ишловчи аёлларнинг касаба уюшмаларига муносабати тубдан ўзгарди. Барчада илиқ таассурот қолдирган семинар-кенгашида жамоа ташкилотлари вакиллари, касаба уюшма фаоллари, корхона ва ташкилотларда меҳнат қилаётган фидойи аёллар, оммавий ахборот воситалари ходимлари иштирок этди.

Оила фаровонлиги — юрт равнақи

— Президентимизнинг 2011 йилнинг асосий якунлари ва 2012 йилда Ўзбекистонни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузасида оила институтини янада мустаҳкамлаш ва ривожлантириш, ёш оилаларни қўллаб-қувватлашга доир ишларни янги босқичга кўтариш, хотин-қизлар учун янада кенг имкониятлар яратиш, жисмонан соғлом, маънан етук ва баркамол авлодни тарбиялашга оид масалаларга алоҳида эътибор қаратилди, — деди комиссия раиси, Таълим, фан ва маданият ходимлари касаба уюшмаси Хоразм вилоят кенгаши раиси Муяссар Раҳимова. — Ушбу вазифалардан келиб чиққан ҳолда «Мустаҳкам оила йили» Давлат дастурининг бажарилишида касаба уюшмаларининг фаол иштирокини таъминлаш, барча бўғинда фаолият олиб бораётган хотин-қизлар билан ишлаш комиссиялари ишини кучайтириш мақсадида ушбу семинар-кенгашни ташкил қилдик.

(Давоми 2-бетда).

Тақвим бор, низом бор, хоҳиш ҳам бисёр

Она-юртимизга берилган таърифу тавсифлар жамланса, ҳеч бир муболағасиз яхлит бир китоб бўлади. Лекин улар ичида истиқлолдан кейин бемисл салоҳиятимиз назарда тутилиб, Юртбошимиз томонидан айтилган «Ўзбекистон — буюк имкониятлар мамлакати» деган илҳомбахш сўзларнинг ўрни бўлакча.

Дарҳақиқат, қайси соҳага қарамайлик, ана шу имкониятлар бирин-сирин юзага қалқиб чиқаётганини кўриш мумкин. Ва энг муҳим жиҳат шундан иборатки, қайси соҳа ривожи бўлмасин, шеър ва куй вобасталигидан яхшигина қўшиқ яралгани каби, миллий-маънавий қадриятларимиз юксалгандан юксалиб бормоқда. Бу эса, ўз навбатида, Ватан ва ватанпарварлик тушунчаларининг ўқ илдизи ҳисобланмиш ўзликни англашнинг янада чуқурроқ томир отишига хизмат қилаётир.

Сабаби оддий. Ҳар қандай ютуқ кўнгилда беихтиёр фахрифтихор туйғуларини уйғотади. Улар эса, шукрки, Ўзбекистонда жуда кўп. Мустақил мамлакат мақомига эришилгандан буён ўтган вақт оралиғида дунё ҳамжамияти эътироф этадиган даражада дадил қадамлар ташланди. Бошқача айтганда, бизни танийдиган, саломлашадиган, ҳурмат бажо келтирадиган бўлишди. Албатта, бу касаба уюшмаларининг ижтимоий шериклик тамойилларига асосланган, жамиятда ўрнатилган мустаҳкам барқарорликни таъминлашга йўналтирилган саъй-ҳаракатларнинг эътирофи ҳамдир.

Яқинда яна бир хайрли ишга қўл урилди. Ўзбекистон КУФК Раёсатининг «Касаба уюшма ташкилотларида оммавий жисмоний тарбия ва спорт-соғломлаштириш тадбирларини ўтказишни янада такомиллаштириш тўғрисида»ги Қарори қабул қилинди.

РЕЖА ИСТИҚБОЛНИ БЕЛГИЛАБ БЕРАДИ

Шундай қилиб, Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси жисмоний тарбия ва спорт жамияти Марказий кенгашининг касаба уюшмалари Марказий кенгашлари билан ҳамкорликда 2012 йил учун касаба уюшма ташкилотларида оммавий спорт-соғломлаштириш тадбирларининг ягона тақвим режасини ишлаб чиқиш бўйича таклифлари маъқулланиб, Раёсат қарори билан ўз тасдиғини топди. Бундан шу нарса англашиладики, касаба уюшмаларининг энг муҳим вазифалардан бўлмиш, қайсидир маънода ижтимоий ҳимоялашнинг таркибий қисмига айланган аъзолар саломатлиги муҳофазасига эътибор эндиликда янада кучайтирилади.

Тақвим режасига бир қарашдаёқ устувор йўналишлар бўртиб кўзга ташланади... Аввалambор, мусобақалар белгиланган вақтга эътиборимизни қаратайлик: май, июн, август, ноябр. Ажабландингиз-а? Ҳамма гап шундаки, мутахассисларнинг нуқтаи назарлари ва илмий тадқиқотлар хулосаларидан келиб чиқиб фикр билдирадиган бўлсак, айнан шу ойлар фаол дам олиш учун ҳар жиҳатдан мақбул ҳисобланади. Инсон организмида тўпланиб қолган энергиядан ҳеч бир асоратларсиз фориғ бўлиш учун эса, маълумки, спорт энг қулай воситадир. Нафас олиш учун нафас чиқариш талаб этилганидек, мусобақалашиш жараёнида ҳовур алмашинуви юз бериб, киши ўзини аввалгидан анча енгил ҳис қилади ва бунинг натижаси ўлароқ, иш унумдорлиги ҳам сезиларли равишда ортади. Унумдорлик эса, қўшимча даромад ва албатта, фаровонликнинг юксалиши деганидир, шундай эмасми?..

(Давоми 4-бетда).

Ishonch
2012-yil 13-mart № 32 (3069)

Бугунги талаба – эртанги мутахассис

(Давоми. Боши 1-бетда).

Таъкидлаш жоизки, мазкур қарорга биноан ўрта махсус, касб-ҳунар коллежларидан 2011-2012 ўқув йилида амалиёт ўташга чиққан III босқич ўқувчилари ҳамда битирувчиларига, шунингдек, ўрта махсус касб-ҳунар коллежларини 2011-2012 ўқув йилида имтиёзли диплом билан битирган ёки кам таъминланган битирувчиларга касаба уюшмалари ташкилотларининг маблағлари ҳисобидан моддий ёрдам бериш тақсимоти ишлаб чиқилди. Унга кўра, умумий битирувчилар сонининг 10 фоизига (шундан 7 фоизи амалиётчилар, 3 фоизи битирувчилар) касаба уюшмалари ташкилотларининг маблағлари ҳисобидан моддий ёрдам берилади.

Агар умумий битирувчиларнинг 3 фоизи 15108 нафарни ташкил этишини ҳисобга олсак, шунинг 40 фоизи (5996 нафар) ҳудудий касаба уюшма ташкилотларига, 60 фоизи (9112 нафар) эса тармоқ касаба уюшмалари Марказий кенгашларига тақсимланди.

Эндиликда касаба уюшма ташкилотлари битирувчиларни ишга жойлаштириш, уларга моддий ёрдам ажратибгина қолмай, балки иш ўринларининг кўнимлилиги бўйича назоратни ҳам кучайтиришлари белгилаб қўйилди.

Бу борада Федерация Кенгаши ҳамда Ўзбекистон Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги билан ҳамкорликда қўшма тадбирлар режаси ишлаб чиқилаётганлигини таъкидлаш жоиз.

Бундан ташқари, амалиёт ўташ учун бириктирилган ва 2012 йилда янги ишга қабул қилинган коллеж ўқувчилари ҳамда битирувчиларини ташкилот ва корхоналарнинг меҳнат муҳофазаси бўйича йўриқдан ўтказиш, махсус кийим-бош ва пойабзал, якка тартибдаги ҳимоя воситалари, даволаш-профилактика озиқ-овқатлари билан таъминланишига алоҳида эътибор қаратиш лозимлиги таъкидланди.

Ишга қабул қилинган коллеж битирувчилари билан меҳнат шартномаларини тузиш, касаба уюшмасига қабул қилиш, аъзолик билетлари билан таъминлаш, уларни жамоа шартномалари билан таништириш, қабул қилинаётган жамоа келишувлари ва шартномаларига ёшлар, хусусан, коллежни битирган ўқувчилар учун имтиёзлар киритилишига эришиш, яратилган иш жойларининг ишончлилиги устидан доимий мониторинг олиб бориш муҳим вазифа сифатида эътироф этилди.

Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясига аъзо ташкилотлар Ёшлар кенгашларига касб-ҳунар коллежлари битирувчилари, коллеж раҳбарияти ва иш берувчи ташкилотлар ўртасида тузиладиган уч томонлама шартноманинг амалда қўлланилиши борасида касаба уюшма органларига кўмаклашиш вазифаси топширилди.

Ёшлар кенгашлари битирувчиларни кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликка кенг жалб этиши, бу борада уларнинг ҳуқуқий онгини мустаҳкамлаш юзасидан мунтазам равишда молия, банк тизими, ҳуқуқий соҳа вакиллари билан учрашувлар, давра суҳбатлари ва семинарлар ташкил этиши лозим.

Корхона ва ташкилотларда устозликка бириктирилган ходимлар учун рағбатлантириш тизимини жамоа шартномаларига киритилишига эришиш, шунингдек, битирувчиларнинг олий таълимга эга бўлиш, илмий салоҳиятини юксалтириш бўйича хоҳиш-истаклари асосида барча олий ўқув юртлари илмий жамоаларининг «Очиқ эшиклар кунлари»ни ташкил этиш каби тадбирларни амалга оширишда иш берувчи, таълим муассасаси раҳбарияти билан бирга бошланғич касаба уюшма ташкилотларининг иштирокини таъминлаш вазифаси топширилди.

Жаҳонгир ШАРОФБОЕВ,
«Ishonch» мухбири

Аёл — оила чароғбони

Шарқ аёлига бағишланди

Тошкент Давлат шарқшунослик институтида «Замонавий шарқ аёли: кеча ва бугун» мавзуида илмий-амалий анжуман бўлиб ўтди. Анъанавий тарзда ўтказиб келинаётган ушбу конференцияга йиғилган олималар, устоз ва талабалар Шарқ аёлининг тарихда тутган ўрни ва бугунги замонавий аёл қиёфаси, унинг жамиятдаги роли хусусида сўз юритишди.

Тадбирда «Замонавий шарқ аёли: кеча ва бугун» деб номланган тўплам тақдимоти ҳам бўлиб ўтди.

Шу куни «Аёлларни эъзозлаш — шарқона қадрият» номли байрам дастури ташкил этилди. Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси ҳамда Таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси Тошкент шаҳар кенгаши томонидан қатор олима аёллар, жонкуяр устозларга эсдалик совғалари топширилди.

Шоҳсанам НИЁЗОВА,
ЎзДЖТУ талабаси

Зукко, жозибали ва топқир маликалар

Бухоро «Мурувват» ногирон болалар учун интернат уйида баҳор байрами муносабати билан хотин-қизлар ўртасида «Сен азизсан — муқаддас аёл» мавзуида кўрик-танлов бўлиб ўтди.

«Мурувват» интернат уйи ва касаба уюшма ҳамкорлигида ўтказилган ушбу танловга Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш бошқармаси ҳамда Давлат муассасалари ва жамоат хизмати ходимлари касаба уюшмаси вилоят кенгашидан меҳмонлар таклиф этилди. Тадбир давомида Бухоро туман Маданият уйи ансамбли санъаткорлари томонидан хайрия концерти ўтказилди.

Танлов иштирокчилари турли шартлар бўйича беллашишди.

Дилрабо Олимова — «Зукколик маликаси», Моҳигул Тоҳирова «Жозиба маликаси», Гулбаҳор Раҳмонова эса «Топқирлик маликаси» номинацияларида ғолиб бўлишди.

М. АБДУЛЛАЕВА,
«Мурувват» уйи касаба уюшма қўмитаси раиси

Энг намунали бошланғич ташкилот

Бугун «Қўқон ёғ-мой» комбинати вилоятдаги ягона турдош корхоналардан бири бўлиб турибди. Тўлиқ қувват билан ишлаётган корхонада режалар ортиғи билан бажарилиб, бу ерда ишлаш қўқонлик ёшларнинг орзусига айланган.

Ўтган йил корхона учун муваффақиятли келди. Йил давомида 27,7 млрд. сўмлик саноат моллари ишлаб чиқарилди. Пахта чигитидан олинаётган ёғ маҳсулотларининг сифатини оширишда янги технологияларни соҳага жалб этиш муҳим рол ўйнади. Корхона ушбу мақсадлар учун 260,3 млн. сўм маблағ сарфлади. Жумладан, 2011 йилнинг 1 мартида қадоқлаш цехи ишга туширилиб, натижада 38 та янги иш ўрни яратилди. Ёғ маҳсулотларини 5 литрли ҳажмдаги полиэтилин идишларда сотувга чиқариш йўлга қўйилди.

Май ойи бошларида корхонада янги доғлаш цехининг ишга туширилиши бир кеча-кундузда 25 тонна ёғни доғлаш имкониятини берди. Бугунги кунгача цехда 1184 тонна доғланган аъло сифатли пахта ёғи ишлаб чиқарилди. Қолаверса, цехда 28 нафар янги ходим иш бошлади.

Шароит яхшими... демак, ишда ҳам унум бўлади

Вазирлар Маҳкамасининг «Республикада йирик саноат корхоналари негизида қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштиришни кўпайтириш ва ушбу корхоналар ходимларининг озиқ-овқат маҳсулотларига бўлган эҳтиёжини таъминлаш бўйича амалга ошириладиган чора-тадбирлар тўғрисида»ги мажлиси баёнини таъминлашда ибратли ишлар амалга оширилиб, бўш турган эски корхона омборхонаси қайта таъмирланди ва 10 минг та парранда боқиш учун жой ҳозирланди. Ёрдамчи хўжаликдан унумли фойдаланиш ҳадисини олган жамият ходимлари ўтган йил баҳорда чигит хўжалиги орқасидаги бўш ётган майдонни тозалаб, 5,5 га. майдонга 12875 туп турли хил сара мевали дарахт кўчатлари экишди. 1,2 га. ердан картошка, ловия, қовунтарвуз, бодринг ва бошқа қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштирилди. Корхона ҳудудида 700 м.кв. иссиқхонада лимон етиштирилиб, янги йил арафасида ишчиларга бепул тарқатилди.

Касаначилик йўналишидаги фаолият ҳам янги иш ўринлари яратилишига имкон берди. Тикувчилик, қандолатчилик, дурадгорлик, сартарошлик бўйича 2011 йилгача 189 та, ўтган йил 23 та иш ўрни яратилиб, 212 нафар касаначи иш билан таъминланди.

Даромадга яраша буромад, деганларидек жамиятда ишчи-ходимлар саломатлигини тиклаш, меҳнат шароитини яхшилаш, дам олдириш ва ижтимоий-иқтисодий қўллаб-қувватлашга катта маблағ сарфланмоқда. Маъмурият ва касаба уюшма қўмитаси жамоа шартномалари бандларини бажаришга алоҳида эътибор қаратган.

Ишчи-ходимларни ижтимоий ҳимоя қилиш мақсадида ҳар куни бепул тушлик ташкил этилади. Ёрдамчи хўжаликда балиқ ва парранда гўштидан ҳар ойда ходимларга 2-3 кг.дан, шунингдек, тухум ва сут маҳсулотлари ҳам бепул тарқатилмоқда. Захирадаги қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишчиларга 20 фоиз арзонлашган нархда сотилмоқда.

Меҳнат муҳофазаси ва техника хавфсизлиги доимий эътиборда бўлиб, ўтган йили бунинг учун қарийб 23,5 миллион сўм маблағ йўналтирилди. Меҳнат муҳофазаси комиссияси вакиллари ва касаба уюшма қўмитаси ҳамкорликда цехларда бўлиб, иш жойларини ўрганиш одат тусини олган. Бу борада турли семинар ва ўқувлар ташкил этилмоқда.

Жамоа шартномалари бандларига кўра, биринчи бор уйланаётган ва турмушга чиқаётганларга энг кам иш ҳақининг 5 баробари миқдорида моддий ёрдам бериш йўлга қўйилган. Шунингдек, ходимларнинг яқин қариндошлари вафот этганда ҳам ёрдам қўли узатилади. Аёллар учун гигиена хоналари ишлаб турибди. Ҳар йили ишчи-ходимлар бепул тиббий кўрикдан ўтказилади.

Ёзги мавсумда «Чодак», «Сариқўрғон» ва ёрдамчи хўжалик дам олиш масканига оммавий чиқишлар уюштириш мақсадида бу йил 38 млн. сўмдан зиёд маблағ ажратилиб, газета ва журналларга обуна ташкил этилди. Жамият ходимлари вилоят ва шаҳарда ўтаётган спорт мусобақаларининг доимий иштирокчиси. Бу корхонада спорт-соғломлаштириш ишларига бўлган эътибор самарасидир.

— Мустаҳкам оила йилида жамоа шартномаларига янги қўшимчалар киритиш орқали ходимлар фаровонлигини янада ошириш ниятидамиз. Чунки, хонадони тинч ва хотиржам бўлган ходим ишида унум бўлади, — дейди касаба бақўм раиси Р. Ҳамроқулова. — Бу эса ижтимоий ҳимоя яхши йўлга қўйилишини тақазо этади.

Абдулҳай ЮНУСОВ,
«Ishonch» мухбири

Мақсад бир, фаолият муштарак

(Давоми. Боши 1-бетда).

Ходимлар турмуш шароитини яхшилаш ҳам назардан четда қолмаяпти. Ишловчилар талаб ва истакларига биноан 200 дона Самарқанд шаҳрида ишлаб чиқарилган «SINO» музлаткичлари учун 15 млн. 800 минг сўмлик фоизсиз кредит ажратилди. Шунингдек, барча ижтимоий имтиёз ва кафолатлар учун 12 млрд. 149 млн. 430 минг сўм миқдорида компенсация тўланиб, моддий ёрдам кўрсатилди.

— Ходимларнинг ижтимоий-иқтисодий, маънавий, интеллектуал ҳимоясини таъминлашда жамоат ташкилотимиз ташаббускорликни қўлдан бермай келяпти, — деди ҳисобот маърузасида корхона касаба уюшма қўмитаси раиси Сафарали Азизов. — Жамоада меҳнат қилаётган 636 нафар хотин-қиз меҳнати рағбатлантирилиб, уларга қатор имтиёзлар белгиланяпти. Шунингдек, «Устоз-шогирд» анъаналарига мувофиқ 964 нафар талабага кўмак кўрсатилаётир. Ўтган йили амалиётни шу ерда ўтаган 87 нафар коллеж битирувчиси ишга қабул қилинди. Эътиборли жиҳати, меҳнат шартномасида меҳнат муҳофазасига доир белгиланган 24 та тадбир тўла бажарилди. Тасарруфимиздаги «Зангори олов» болалар оромгоҳида меҳнаткашларнинг 358 нафар фарзанди дам олдирилди.

Шунингдек, Жиззах вилоят шаҳар-туман газ филиаллари фаолиятини мувофиқлаштириш бошқармаси муҳандиси Қўлдош Ҳасанов, Сирдарё вилоят шаҳар-туман газ филиаллари фаолиятини мувофиқлаштириш бошқармаси кадрлар бўлими мутахассиси Ҳидоят Қосимова, «Бахмал туман газ» идораси бошланғич касаба уюшма ташкилоти раиси Абдураҳмон Сафаров ва бошқалар сўзга чиқиб, жамоа шартномаси ижроси ва қабул қилинаётган меъёрий ҳужжат хусусидаги фикр-мулоҳазаларини билдирдилар.

Конференцияда Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши раиси Танзила Нарбаева қатнашди.

Нурилла ШАМСИЕВ,
«Ishonch» мухбири

Тадбир

Оптималлаштириш – давр талаби

Таълим, фан ва маданият ходимлари касаба уюшмаси Тошкент вилояти кенгашининг навбатдаги йиғилишида Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси V, Ўзбекистон таълим, фан ва маданият ходимлари касаба уюшмаси I Қурултойлари, Федерация кенгашининг IV Мажлиси қарорларини ҳаётга татбиқ этишда тармоқ касаба уюшма ташкилотлари фаолиятини янада кучайтириш масаласига алоҳида эътибор қаратилди.

Йиғилишда Федерация кенгаши Раёсатининг 2012 йил 26 январдаги 5-1-сонли қарорининг 7-бандига асосан, 2011 йилда касаба уюшмаларини оптималлаштириш бўйича амалга оширилган ишлар ҳамда янги «Касаба уюшмалари картаси»идан келиб чиққан ҳолда тизимни такомиллаштириш масаласи ҳам кўриб чиқилди.

Унга кўра, туман, шаҳар бирлашган қўмиталарини туман, шаҳар кенгашларига айлантириш, ўрта махсус, касб-ҳунар таълими бирлашган касаба уюшма қўмиталари фаолиятини тўхтатиш ва уларнинг касаба уюшма хизматида бўлган ташкилотларини тегишли туман, шаҳар кенгашлари касаба уюшма хизматига ўтказиш кўзда тутилган. Бунинг асосий сабабларидан бири ўрта махсус, касб-ҳунар таълими бирлашган касаба уюшма қўмиталари томонидан бошланғич ташкилотларга амалий-услубий ёрдам беришда бир қанча муаммолар юзага келганлиги, хусусан, касб-ҳунар коллежлари ва академик лицейлар ўртасидаги масофанинг йироқлиги ҳамда тилга олинган ўқув муассасалари кўп бўлгани ҳолда бирлашган касаба уюшма қўмитаси имкониятлари чекланганлиги ишнинг самарадорлигига салбий таъсир этаётганлиги кўрсатиб ўтилди.

Йиғилиш қатнашчилари ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасалари касаба уюшма ташкилотлари тегишли туман, шаҳар кенгашлари касаба уюшма хизматига ўтказилиши натижасида мазкур йўналишдаги ишларни давр талабига мос тарзда жонлантириш имконияти туғилишини эътироф этдилар.

Ушбу масала юзасидан тегишли қарор қабул қилиниб, жойларда конференция ўтказиш жадвали тасдиқланди.

Ўз мухбиримиз

Оила фаровонлиги – юрт равнақи

(Давоми. Боши 1-бетда).

Вилоят касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси кенгаши раиси Бекчанбой Матёқубов Мустаҳкам оила йили муносабати билан хотин-қизларга эътибор кўрсатилаётгани хусусида тўхталиб ўтди.

— Бугунги кунда фермерлик ҳаракати, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик, илму фан, тиббиёт, таълим-тарбия, маданият ва санъат, қўйингки, барча соҳаларнинг ривожланишини аёллар иштирокисиз тасаввур қилиб бўлмайди. Айниқса, касаба уюшмалари фаолиятини такомиллаштиришда хотин-қизларнинг роли катта, — деди бирлашма кенгаши раиси. — Бугун вилоятимиздаги 1558 та бошланғич касаба уюшма ташкилотидан 601 тасини ёки 38,5 фоизини хотин-қизлар бошқармоқда.

Бирлашма раисининг таъкидлашича, касаба уюшмалари бу йил аъзолар саломатлигини муҳофаза қилиш масаласига алоҳида ёндашади. 6 нафар ёш оила соҳиби «Умид гулшани» санаторийсида саломатлигини имтиёзли йўлланмалар асосида мустаҳкамлаш имконига эга бўлади. Халқимиз оилани фарзандсиз тасаввур қила олмайди. Ана шу ақидадан келиб чиққан ҳолда фарзанд кўриш илинжидаги 12 та оила вакилларини «Умид гулшани» санаторийсида касаба уюшмалари кўмагида соғломлаштириш режалаштирилган. Ушбу мақсадлар учун касаба уюшмалари маблағидан салкам 11 миллион сўм ажратилиши кўзда тутилган.

Ўз бахтини болалари камолида деб билгувчи кўп болали оналар учун санаторийларга 18 та бепул йўлланма ажратилади. Ушбу мақсадга салкам 10 миллион сўмлик маблағ йўналтирилади.

Умуман, 2012 йилда вилоят касаба уюшма ташкилотларида юртимиздаги санаторий ва санаторий-профилактория йўлланмаларига 665 та йўлланма ажратиш белгиланган. Бунга қўшимча равишда, ички имкониятлардан келиб чиққан ҳолда яна 200 та қўшимча йўлланма ажратиш режалаштирилган.

Мустаҳкам оила йилида 12 минг нафар бола вилоятимиз ва вилоятдан ташқари оромгоҳларда дам олишади. Болаларнинг қарийб 6 минг нафари касаба уюшмаси маблағлари ҳисобидан бепул дам олдирилади. Ушбу мақсадлар учун 430 миллион сўмдан зиёд маблағ сарфланади.

Касаба уюшмалари бу йил туризмни ривожлантириш масаласига ҳам айрича ёндашмоқда. Кам таъминланган, кўп болали оила вакилларининг мамлакатимиздаги қадимий шаҳарлар, муқаддас қадамжоларга саёҳат ва зиёратлари ташкил қилинади.

Семинар-кенгашда, шунингдек, вилоят ҳокими ўринбосари, хотин-қизлар қўмитаси раиси Сайёра Абдикаримова, вилоят скрининг маркази бош шифокори Гулнора Сапарбоева, вилоят матбуот ва ахборот бошқармаси бошлиғи Дилбар Бекжонова ҳамда бошқалар кун тартибидан жой олган масалалар юзасидан ўз фикр-мулоҳазаларини билдиришди.

Бир гуруҳ фаол аёлларга касаба уюшмалари фахрий ёрлиқлари ҳамда қимматбаҳо совғалар топширилди.

Муҳаббат ТЎРАБОЕВА,
«Ishonch» мухбири

Ishonch
2012-yil 13-mart № 32 (3069)

Паст рентабелли ва зарар кўриб ишлаётган корхоналарни молиявий соғломлаштириш мақсадида Фарғона вилоятидаги банкрот деб эълон қилинган 16 корхона тижорат банклари балансига ўтказилганди. Ўтган давр мобайнида банклар томонидан мазкур иқтисодий ночор корхоналарга 90 миллиард сўмликдан ортиқ инвестиция жалб этилди. Уларнинг негизида янги ишлаб чиқариш корхоналари ташкил этилиб, мингга яқин янги иш ўринлари яратилди.

Жумладан, замонавий технологиялар билан таъминланган «SABO poyafzal» корхонасида эркаклар, аёллар ва болалар мавсумий пойабзаллари ишлаб чиқарилмоқда.

— «Алоқабанк»нинг кўмаги билан 2010 йилда мазкур ишлаб чиқариш тармоғини ташкил этдик, — дейди корхона директори Икром Бойжуманов. — Натижада 60 нафар йигит-қиз ишли бўлди.

Бозор коньюктурасини ўрганган ҳолда иш тутаётган корхона жамоаси юздан ортиқ пойабзал турини яратди. Ўтган йили мазкур корхонада теридан ишланган, сифатли ва чидамли 18 минг жуфт пойабзал ишлаб чиқарилди.

Суратда: *«SABO poyafzal» масъулияти чекланган жамияти ишчиси Иқбол Жўраев.*

Муқимжон ҚОДИРОВ (ЎзА) олган сурат

Бугуннинг гапи

Эл ризқини туя қилманг

Ўзбекистон Миллий матбуот марказида «Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг ноқонуний олиб чиқилиши, контрафакт маҳсулотларнинг олиб кирилишига қарши чора-тадбирлар» мавзуида навбатдаги матбуот анжумани бўлиб ўтди.

Унда божхона ходимлари журналистларни қизиқтирган саволларга батафсил жавоб беришди.

— Юртбошимиз ташаббуси билан республикамиз аҳолисининг озиқ-овқат маҳсулотларига бўлган эҳтиёжини барқарор таъминлаш, ички истеъмол бозорини мамлакатимизда етиштирилган қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари билан бекаму кўст тўлдириш борасида кенг қамровли чора-тадбирлар амалга оширилмоқда, — деди Давлат божхона қўмитаси раиси ўринбосари Ғафуржон Шукуров. — Натижада ўтган 2011 йилда қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштириш ҳажмининг ўсиши 6,6 фоизни ташкил этган.

Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 6 декабрдаги «2012 йилда мева-сабзавот, картошка, полиз ва узум маҳсулотларини етиштириш ва фойдаланишнинг прогноз параметрлари тўғрисида»ги қарори мева-сабзавот, картошка, полиз ва узум маҳсулотларини етиштириш, реализация қилиш ва ўз вақтида қайта ишлашни ташкил этиш учун кенг шарт-шароитларни яратишга хизмат қилмоқда. Ушбу қарор асосида қишлоқ хўжалиги маҳсулотларидан рационал фойдаланишни ҳал қилиш, шунингдек, уларни экспортга етказиб беришни самарали ташкил этиш бўйича ишчи гуруҳ тузилган.

Мазкур ишчи гуруҳ зиммасига экспортни ташкил қилиш, маҳсулотларни сифатли тарзда етказиб бериш, божхона расмийлаштируви ва транспорт масалаларини тезкорлик билан ҳал қилиш ва бошқа бир қатор вазифалар юкланган.

Афсуски, шунга қарамай, амалдаги тартибларга бўйсунмасдан халқ ризқига хиёнат қилаётган айрим «учар тадбиркор»лар юртимизда етиштирилган қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини четга ноқонуний равишда олиб ўтиб, мўмай даромад орттиришга уринмоқдалар. Уларнинг қонунга зид хатти-ҳаракатларига ўз вақтида чек қўйилиши натижасида кўплаб ноз-неъматлар эл дастурхонига қайтарилмоқда.

Таҳлилларга кўра, ўтган йили ноқонуний олиб ўтишга уринилган қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг 50,4 фоизи мамлакатимиз ҳудудидан олиб чиқишда ва 49,6 фоизи олиб киришда, транзит ва ички ҳудудда аниқланган. Ҳисобот даврида аниқланган ҳолатларнинг 34 таси бўйича жиноят аломатлари мавжуд деб топилган бўлса, 1881таси юзасидан маъмурий ишлар юритилган.

Тадбир давомида йиғилганларга яна бир муҳим масала — контрафакт маҳсулотларнинг олиб кирилишига қарши кўрилаётган чора-тадбирлар ҳақида маълумот берилди.

Контрафакт товарлар — бу савдода юқори нуфузга ва катта мавқега эга бўлган харидоргир товарнинг белгисидан ёки унга ўхшаш бўлган белгилардан, ёрлиқлари, шартли белгилари ёхуд қадоқларидан ҳамда бошқа қиёслаш воситаларидан ноқонуний равишда фойдаланилган ҳолда ишлаб чиқарилган товарлар, шунингдек, илмий ишлар, ихтиролар, кашфиётлар, санъат асарлари, қўшиқлар, куйлар, кино маҳсулотлари, янги техника ва технологияларнинг моделларини қонунга хилоф равишда эгаллаш, тасарруф этиш ҳамда уларни кўпайтириш орқали юзага келган маҳсулотлар ҳисобланади.

— Контрафакт маҳсулотларга яққол мисол бўла оладиган қўлбола тарзда кўпайтириб сотилаётган турли хилдаги лицензияланмаган компакт диск, филм, мусиқа ёзилган дискларни мамлакатимиз чегаралари орқали олиб ўтилиши ва уларнинг ички ҳудудлардаги ноқонуний муомаласига чек қўйиш мақсадида олиб борилган тадбирлар натижасида божхона органлари томонидан ўтган 2011 йил давомида 260 та ҳолат аниқланиб, 201,2 млн. сўм қийматдаги 217 минг донадан ортиқ шу турдаги маҳсулотлар ушлаб қолинган, — деди Контрабандага қарши курашиш бош бошқармаси масъул ходими Амир Темурхон Мусаев. — Аниқланган ҳолатларнинг 4 таси бўйича жиноят иши қўзғатилиб, 256 таси бўйича маъмурий иш юритилди.

2012 йилнинг ўтган даврида аниқланган 24 та қонунбузарлик ҳолатида қиймати 9,4 млн. сўмлик 30 минг донага яқин турли хилдаги лицензияланмаган компакт диск, филм, мусиқа ёзилган дискларнинг ноқонуний олиб ўтилишига чек қўйилган.

Ўзбекистон Республикаси Божхона кодексининг 9-моддасида «Давлат хавфсизлигини таъминлаш, жамоат тартибини сақлаш, маънавият, инсон ҳаёти ва саломатлигини сақлаш, атроф-табиий муҳитни муҳофаза қилиш, Ўзбекистон Республикаси ҳамда бошқа мамлакатлар халқларининг бадиий, тарихий ва археологик бойликларини, мулк ҳуқуқини, шу жумладан, интеллектуал мулк объектларига бўлган ҳуқуқни, олиб кирилаётган товарларни истеъмол қилувчиларнинг манфаатларини ҳимоя қилиш, шунингдек, Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатлари ҳамда халқаро шартномаларига мувофиқ айрим товарлар ва транспорт воситаларини Ўзбекистон Республикасига олиб кириш ва Ўзбекистон Республикасидан олиб чиқиш тақиқланиши мумкин» деб кўрсатиб ўтилган.

Буни эл ризқини туя қилиб, маънавиятга путур етказаётган айрим кимсалар билиб қўйса ёмон бўлмасди.

Назира БОЙМУРОДОВА, «Ishonch» мухбири

Томорқа — кони фойда

Кунлар исиши билан дала-боғларда ҳаёт қайнайди. Айниқса, деҳқонларнинг юмуши кўпаяди. Яхши ният билан ерга уруғ қадаб, уни ундириб олишга эътибор қаратилади. Қишлоқ аҳлининг оғирини енгил қилишга биз ҳам бел боғлаганмиз.

Кўмакдошимиз

Ҳудудимизда истиқомат қилаётган аҳоли тасарруфида 6356 гектар томорқа хўжалиги бор. Бугунги кунда уларнинг биргина сабзавот экинлари уруғига талаби 8,5 тоннани ташкил этади. Бу эҳтиёжни тўла қондириш имконияти яратилган. Тумандаги турли тижорат банклари томонидан 5 та «Дамас» автомобили ажратилган.

«Агробанк»нинг туман бўлимида 2 та шундай кўчма автодўкон фаолияти йўлга қўйилган. Қишлоқларда уруғ, кўчат ва иш анжомлари савдоси ташкил этилмоқда. Аҳолининг кам таъминланган қисмига банк кредити эвазига кўчат ва уруғлик етказиб бераяпмиз.

Маҳалла оқсоқоллари билан бу борада бамаслаҳат фаолият олиб борилаётир. Бир сўз билан айтганда, томорқа соҳибларига меҳнат орқали ўз оиласи бюджетини оширишига чин маънода кўмак кўрсатаяпмиз.

Жамшид ҚУНДУЗОВ, Ургут туман «Агробанк» бўлими мутахассиси

Бизга жавоб берадилар

Газетамизнинг шу йил 17-сонида чоп этилган, айрим фуқаролар томонидан табиий газ қувурларига ноқонуний равишда газ сўрувчи мосламаларни ўрнатиб олаётгани тўғрисидаги «Газ ютгич» сарлавҳали мақола юзасидан «Водийгазтаъминот» УКдан таҳририятимизга жавоб хати келди.

«Газ ютгич»лар йўқ қилинди

«Президентимизнинг «Республика иқтисодиёти тармоқларини 2011-2012 йилларда куз-қиш даврида барқарор ишлашга тайёрлашни таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори ижросини таъминлаш мақсадида мақолада тилга олинган Олтиариқ туманида бир қатор ишлар бажарилган, — деб ёзади «Водийгазтаъминот» УК директори А. Эргашев. — Жумладан, туманда 25,4 км. газ қувурларининг мустаҳкамлиги ва зичлиги синалган, 15 км. қувурлар жорий таъмирланган. 1024 та беркитиш мосламалари (задвижка), 935 та тақсимлаш қурилмалари тўлиқ тафтишдан ўтказилган.

Вилоят ҳокимининг фармойишига асосан шаҳардаги 174 та ижтимоий аҳамиятга эга бўлмаган улгуржи истеъмолчиларга табиий газ бериш тўхтатилиб, бўшатилган газ ҳажми аҳоли эҳтиёжи учун йўналтирилган.

Газ танқислиги юзага келиши мумкин бўлган 18 та аҳоли яшаш пунктидаги 8878 та хонадон маҳаллий ҳокимият органлари ва газ филиали мутахассислари иштирокида ўтказилган йиғилишларда захира ёқилғиси – кўмир, ўтин ғамлаш ҳақида огоҳлантирилган. Ушбу ҳудудлар узлуксиз равишда кўмир ва суюлтирилган газ билан таъминланмоқда.

Олтиариқ туман ҳокимлиги, прокуратура, ички ишлар бўлими, «Маҳалла» жамғармаси, кўнгилли ўт ўчириш бўлинмаси ҳамда коммунал идоралар ходимларидан иборат ишчи гуруҳи тузилиб, табиий газ тармоқларидан ноқонуний фойдаланиш, қувурлар ва газ тақсимлаш қурилмаларига қўлбола газ сўргич «маторчик»лар ўрнатилиши ҳолатларини бартараф этиш ишлари олиб борилмоқда. Бугунги кунга қадар ишчи гуруҳ томонидан 284 дона қўлбола сўрғич аниқланиб, туман фаоллари иштирокида йўқ қилинган.

Истеъмолчиларни табиий ва суюлтирилган газ билан бир меъёрда ва бехатар таъминлаш юзасидан ишлар давом эттирилмоқда».

Ҳуқуқ ва халқаро ҳаёт бўлими

Низом талабига кўра...

Таҳририятнинг 2012 йил 9 февралдаги 13-рақамли хатига асосан Сурхондарё вилояти Музработ тумани Халқобод қўрғонида яшовчи А.Холбоевнинг мурожаати вилоят касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси юридик бўлими ҳамда Таълим, фан ва маданият ходимлари касаба уюшмаси кенгаши мутахассислари томонидан ўрганилди.

Маълум бўлишича, А.Холбоев 2001 йил 15 августдан Музработ туман халқ таълими бўлимининг ДТС бўлимида етакчи мутахассис вазифасига ишга қабул қилинган. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «2011 йил учун асосий макроиқтисодий кўрсаткичлар ва Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети параметрлари тўғрисида»ги 2010 йил 24 декабрдаги ПК-1449 сонли ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг «Халқ таълими ҳудудий органлари тузилмасини такомиллаштириш тўғрисида»ги 2011 йил 1 мартдаги 52-сонли қарорлари ижросини таъминлаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлигининг 2011 йил 5 мартдаги 41-сонли буйруғида туман халқ таълими бўлимлари тугатилиб, қайта ташкил этилганлиги сабабли, туман (шаҳар) халқ таълими бўлими номенклатурасида бўлган ходимларга камида икки ой олдин меҳнат қонунчилиги асосида меҳнат шартномаси бекор қилиниши мумкинлиги тўғрисида огоҳлантириш хатлари берилиши ва ўрнатилган тартибда ижросини таъминланиши кўрсатилган.

А.Холбоев билан иш берувчи ўртасида тузилган меҳнат шартномасини Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодексининг 100-моддаси 2-қисми 1-бандига кўра бекор қилиниши мумкинлиги тўғрисидаги огоҳлантириш хатини 2011 йил 17 март куни олган. 18 майда у билан тузилган меҳнат шартномаси бекор қилинган. А.Холбоев шу куни буйруқ нусхаси ва меҳнат дафтарчасини олган. Иш берувчи у билан тўлиқ ҳисоб-китоб қилган.

Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодексининг 101-моддаси талабига кўра корхона тугатилиши муносабати билан иш берувчининг ташаббусига биноан меҳнат шартномаси бекор қилинганда касаба уюшмасининг розилиги талаб этилмайди.

А.Холбоев жавобгар Музработ туман халқ таълими муассасалари фаолиятини методик таъминлаш ва ташкил этиш бўлими мудири Ё.Нормуродовга нисбатан 2011 йил 18 майдаги 59-сонли, 15 августдаги 66-сонли ва 23 августдаги 68-сонли буйруқларни бекор қилиш, ишга тиклаш ва мажбурий бекор юрган вақтлари учун иш ҳақи ундириш ҳақидаги даъво аризаси билан фуқаролик ишлари бўйича туманлараро судига мурожаат қилган.

Фуқаролик ишлари бўйича Термиз туманлараро судининг 2012 йил 9 январдаги ҳал қилув қарорига кўра А.Холбоевнинг 2011 йил 1 январдан 2011 йил 18 май кунига қадар 0,5 ставкаси учун иш ҳақи ундириш ҳақидаги даъвоси қисман қаноатлантирилган. Даъво аризасининг 2011 йил 18 майдаги 59-сонли, 15 августдаги 66-сонли ва 23 августдаги 68-сонли буйруқларини бекор қилиш, ишга тиклаш ва 2011 йил 18 майдан 2011 йил 2 сентябрга қадар мажбурий прогул учун иш ҳақи ундириш ҳақидаги қисмлари ҳал қилув қарори билан рад этилган.

А.Холбоев ҳозирги кунда фуқаролик ишлари бўйича Термиз туманлараро судининг 2012 йил 9 январдаги ҳал қилув қароридан норози бўлиб, фуқаролик ишлари бўйича Сурхондарё вилоят судига аппеляция тартибида шикоят қилган.

Мурожаатда келтирилганидек, Ш.Эшонқулов паспорт тизими қоидаларини бузганлиги учун Ўзбекистон Республикаси МЖтКнинг 223-моддаси 2-қисми билан айбли деб топилиб, унга нисбатан жарима ундириш тайинланганлиги аниқланди.

Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш, Халқ таълими вазирликлари ва Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги давлат тест марказининг 2005 йил 31 декабрдаги 105-, 42-, 01-357-сонли қарори билан тасдиқланган ва Адлия вазирлигидан 2006 йил 18 январда 1541-сон билан рўйхатга олинган «Халқ таълими ходимлари асосий лавозимларининг малака тавсифлари тўғрисида»ги Низомнинг талабига кўра олий маълумотли ва 5 йил педагогик стажга эга бўлган ходим услубчи лавозимига ишга қабул қилиниши мумкин.

Ш.Эшонқулов тарих ва ҳуқуқшунослик мутахассиси бўлгани ҳамда 5 йилдан ортиқ педагогик стажга эгалиги сабабли мазкур Низомнинг талабига асосан ишга қабул қилинганлигини маълум қиламиз.

Ариза муаллифига жавоб хати йўлланган.

Р.БЕДИЛОВ, Ўзбекистон таълим, фан ва маданият ходимлари касаба уюшмаси Марказий кенгаши раиси

Иш ҳақидан қарздорлик

Ўтган йилнинг июнида Сирдарё вилоят касаба уюшма ташкилотлари бирлашмасининг раёсат мажлисида «Ёқилғи-энергетика комплекси, кимё саноати ва геология ходимлари касаба уюшмаси вилоят бирлашган қўмитаси тизимидаги корхоналарда иш ҳақидан муддати ўтган қарздорликни камайтириш борасида олиб борилаётган ишлар тўғрисида»ги масала кўриб чиқилди.

«Болта тушгунча кунда дам олибди»

Қайд этилганидек, тизимда касаба уюшма органлари томонидан иш ҳақи ва унга тенглаштирилган тўловлар устидан назорат ўрнатиб, мониторинг олиб борилмоқда. 2010 йилда 3 марта иш берувчига, икки марта вилоят меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш бош бошқармасига, 2011 йилда эса иш берувчиларга тўрт марта талабнома билан мурожаат қилинган.

Аммо мурожаатларга тегишли тартибда жавоб берилмаган. Оқибатда қанча иш ҳақи ундирилганини аниқлаш имкони бўлмаган. 2011 йилнинг 1 апрел ҳолатига иш ҳақидан муддати ўтган қарздорлик 2010 йилнинг шу давридагига нисбатан 96 миллион 770 минг сўмга ортиб, 403 миллион 820 минг сўмга етган.

Мана, орадан саккиз ой вақт ўтди. Қандай ўзгаришлар рўй берди?

Бугунга келиб тармоқ корхоналарида 446 миллион сўмлик иш ҳақидан муддати ўтган қарздорлик мавжуд. Демак, у кун сайин ортиб бормоқда. Айниқса, «Сирдарё электртармоқлари» ОАЖда аҳвол ачинарли. Мингдан зиёд киши меҳнат қилаётган жамоада 296 миллион сўмлик иш ҳақидан муддати ўтган қарздорлик юзага келган. «Сирдарё ИЭС қурилиш» шўъба корхонасида ҳам каттагина қарздорлик мавжуд.

Бундан, табиийки, касаба уюшма бюджети ҳам зарар кўраётир. Ҳозиргача беш миллион сўмдан зиёд касаба уюшма аъзолик бадали келиб тушмади.

Тармоқда иш ҳақидан муддати ўтган қарздорлик кўпайиб борилаётганини «Ҳаракат тартиби»ни амалга оширишда изчиллик ва қатъиятлилик етишмаётгани билан изоҳлаш мумкин. Масалан, тармоқ касаба уюшмаси вилоят бирлашган қўмитаси раиси Т.Умарқулов имзоси билан Марказий банкнинг вилоят ҳудудий бошқаруви раиси О.Эрназаровга (2012 йил 20 январда), «Ўзсаноатқурилишбанк»нинг вилоят бўлими бошқаруви раиси Э.Қўчқоровга (2011 йил 21 декабрда), вилоят меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш бош бошқармаси Давлат меҳнат ҳуқуқий инспекциясига (2011 йил ноябрдаги 33-, 34-, 35-рақамли) йўллаган хатлари, шунингдек, «Сирдарё ИЭС қурилиш» шўъба корхонаси раҳбари С.Мираҳмедовга (жорий йил 4 январда) ҳамда мазкур корхонанинг янги раҳбари Д.Бўтабоевга юборилган талабномалар сувга отилган тошдек изсиз кетган. Масъуллар эса... «болта тушгунча кунда дам олибди» нақлига амал қилишаётган кўринади. Ваҳоланки, бу сукутдан минглаб ходимлар азият чекишаяпти.

Ким билсин, тармоқда меҳнат қилаётган 4623 нафар касаба уюшма аъзосининг ҳуқуқ ва манфаатлари эндиликда суд орқали ҳимояланиши керакмикан? Бунинг учун вилоят тармоқ бирлашган касаба уюшма қўмитасидан янада фаолроқ бўлиш талаб этилади.

Абдуманнон АЗИМОВ, «Ishonch» мухбири

Янгийўл туман давлат солиқ инспекцияси томонидан Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 16 мартдаги «Алкогол маҳсулотларининг чакана савдосини янада тартибга солиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори ижросини таъминлаш юзасидан қатор ишлар амалга оширилмоқда.

Қарор ижроси таъминланмоқда

Спиртли ичимлик билан савдо қилувчи шохобчаларда савдо ва хизмат кўрсатиш қоидаларига риоя қилиниши юзасидан мониторинг-хронометраж кузатувлари ўтказилмоқда. Ўтган йили бешта хўжалик юритувчи субъектда олиб борилган қисқа муддатли текширувларда ушбу қарор талаблари бузилганлиги аниқланди. Масалан, «Шокарим ният файз» хусусий корхонасида харидорга 3600 сўмга чек берилмаган ва 68100 сўм назорат-касса машинасига кирим қилинмаган. 7 литр коньяк ҳамда 22,5 литр ароқ маҳсулоти кирим ҳужжати ва сертификати йўқлиги сабабли далилий ашё сифатида олиб қўйилди. «Ҳасан-Ҳусан омал барака» масъулияти чекланган жамиятида ҳам истеъмолчига 14600 сўмлик чек берилмагани, 50200 сўм назорат-касса машинасига кирим қилинмагани аниқланди. Шунингдек, 54,9 литр ароқ маҳсулотининг кирим ҳужжати ва сифат сертификатини тақдим эта олишмади. Бундай камчиликлар «Абдулазиз Шоҳҳаҳон» шўъба корхонаси, «Ролтекс» хусусий фирмаси, «Камронбек-Максимус» хусусий корхонасида ҳам кузатилди.

Ушбу қарор ижросини тўлиқ таъминлаш ва қонунбузилишларга чек қўйиш мақсадида жорий йилда ҳам инспекция ходимлари томонидан тегишли тадбирлар амалга оширилаяпти.

А. МИРЗАЕВ, Янгийўл туман ДСИ бўлим бошлиғи

Омон бўлинг,

МУҲТАРАМ ГАЗЕТХОН

Ishonch
2012-yil 13-mart № 32 (3069)

Тақвим бор, низом бор, хоҳиш ҳам бисёр

(Давоми. Боши 1-бетда).

Айниқса, май ойи воқеаларга бой бўлади. Барча тармоқ касаба уюшмалари ЖТСЖ Марказий кенгаши ва унинг ҳудудий ташкилотлари билан ҳамкорликда «Соғлом оила — жамият таянчи» шиори остида меҳнаткашлар ва уларнинг оила аъзолари ўртасида Республика оилавий спорт мусобақаларини ўтказишади. Номланишидан ҳам кўриниб турибдики, баҳслар спорт оилаларга қанчалар кириб борганининг ўзига хос мониторинги вазифасини ўтаб беради. Ва албатта, истиқболда ушбу йўналишда амалга оширилиши лозим бўлган ишларни янада ойдинлаштириб олишга хизмат қилади.

Мусобақалар Мустаҳкам оила йили руҳига монанд ва мос эканлиги баробарида, олисни кўзлаган мақсадларни ўз олдига қўйганлиги билан ҳам аҳамиятга моликдир. Шундайки, дунёда оилачалик бир-бирини тушунадиган, таъриф жоиз бўлса, бир тану бир жон бўладиган жамоа йўқ. Ушбу жамоада ишлар «беш» бўлса, биринчи даражали таълим-тарбия институти ҳисобланмиш маҳаллага қўйилган баҳо ҳам «аъло»дан пастга тушмайди. Бу эса жамият барқарорлиги пойдевори мустаҳкам эканлигидан далолатдир.

Ўз-ўзидан англашиладики, бунга эришиш учун оилада соғлом муҳит, соғлом турмуш тарзи ва энг муҳим жиҳат, бу оила аъзоларининг тани сиҳатликда яшаши тақозо этилади. Спорт билан мунтазам шуғулланиш ана шу мақсадларни ой сайин, кун сайин яқинлаштиради.

Шу ўринда яна бир қиёс. Дейлик, гантел ёки арқон-чизимчани у ён-бу ён ўн минг-йигирма минг сўмга сотиб олиш мумкин. Эрталабки чигилёзди машқлари туфайли киши қанчалар бардам тортиши ҳақида гапирмаса ҳам бўлади. Унча-мунча иссиқ-совуққа ва ҳар хил хасталикларга қарши иммунитет ҳосил қилган одам ҳуда-беҳуда дорихонага югурмаслиги ҳам маълум. Демакки, кўнгил хираликлардан нари юриш учун спортга меҳр қўйиш фойдадан холи эмас. Қараб турибмизки, гантелми ёки дорими деган саволга ўрин ҳам қолмайди.

Дарвоқе, «Соғлом оила — жамият таянчи» оилавий спорт мусобақаларининг якуний Республика босқичи июн ойида «Қуёшли» болалар соғломлаштириш оромгоҳида ўтказилиши режалаштирилган бўлиб, унда ҳудудий ва тармоқ босқичлари ғолиблари бўлмиш меҳнаткашлар ва уларнинг оила аъзолари иштирок этади.

Тақвимда Ўзбекистон касаба уюшмалари тизимидаги болалар ва ўсмирлар спорт мактаблари тарбияланувчилари ўртасида Республика спартакиадасини ўтказиш ҳам кўзда тутилган. Ушбу мусобақага августда Гулистон шаҳри мезбонлик қилади. Шубҳа йўққи, «Умид ниҳоллари» турнирида орттирилган тажриба сирдарёликларга мамлакатимиз спорт шуҳратини янада юксакларга кўтариш иштиёқида маҳорат пиллапоялари бўйлаб илдам одимлаётган баркамол авлод учун барча шароитларни яратиб беришда қўл келади.

Ноябр ойига белгиланган ва ҳеч бир муболағасиз, истеъдодлар кўригига айланиши кутилаётган тармоқ тизимидаги касб-ҳунар коллежлари талабалари ўртасида ташкил этиладиган Республика спартакиадаси ҳам барчада катта қизиқиш уйғотади.

Кези келганда, май ойида Тошкент шаҳрида ҳаваскор велоспортчилар ўртасида Республика веломарафони ўтказилишини алоҳида таъкидламай иложимиз йўқ. Нега шундай эканлигини зукко муштарийларимиз дарҳол пайқашди, албатта. Бир йилдирки, велоспорт ўзимизники, яъни касаба уюшмаларинiки бўлиб қолди. Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Велоспорт федерациясининг бош ҳомийси этиб белгиланганидан буён ўтган вақт давомида ушбу спорт тури ривожига хизмат қиладиган кўплаб ишлар амалга оширилди.

Хусусан, Қорақалпоғистон Республикаси, барча вилоятлар ва Тошкент шаҳрида Велоспорт федерациясининг ҳудудий бўлинмалари ташкил этилди. Ҳудудий касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси кенгаши раисларининг ана шу бўлинмаларга раҳбар этиб сайланиши эса, энг оммавий жамоат ташкилоти зиммасига соҳа ривожи йўлида жуда катта масъулият юклади.

Бундан беш ой муқаддам пойтахтимизда жойлашган «Олимпия шон-шуҳрати» музейида Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши билан ҳамкорликда ОАВ ходимлари, шунингдек, спортчи ва мураббийлар учун ташкил этилган матбуот анжумани куни кечагидек кўз ўнгимизда. Сабаби, матбуот анжумани шунчаки савол-жавоблардангина иборат бўлиб қолмай, ўша куни бош ҳомий томонидан Велоспорт федерациясига унинг моддий-техник базасини янада мустаҳкамлаш мақсадларини кўзлаб, 4 та «Дамас» русумли автомашина ва 122 дона профессионал ҳамда машқ велосипедлари тақдим этилди.

— Биз бундай эътиборга муносиб равишда жавоб беришга ҳаракат қиламиз, — деганди ўшанда XVI Осиё ўйинлари ғолиби Владимир Тўйчиев. — Зеро, юрт шаъни барчамизнинг шаънимиз, ғуруримиз.

Оммавийликдан маҳорат сари бир қадам йўл. Келинг, ушбу масофани босиб ўтишдан эринмайлик. Лоақал саломатлигимизни муҳофазалаган бўламиз-ку!

САЛОМГА АЛИК БИЛАН

Бир жойга салом бериб кириб бориш маданиятлилик белгиси ҳисобланади. Табиийки, саломга яраша алик олиш ҳам. Саломни «унутган» одамга рўйхуш берилмаганидек, алик олишни ўзига эп кўрмаган кишидан ҳам яхшилик кутилмайди.

Касаба уюшмалари тизимида оммавий спорт-соғломлаштириш тадбирларини ўтказиш тўғрисидаги Низом билан танишиб чиқиш асноси юқоридаги фикрлар хаёлдан ўтди. Низомнинг пухта ўйлаб, барча жиҳатларни инобатга олган ҳолда қабул қилингани шундоққина кўриниб турибди. Бошқача айтганда, салом бор, алик олиш учун ҳам барча асослар етарли.

Айнан шунга кўра, спорт-соғломлаштириш тадбирларини ўтказишдан кўзланган мақсадни тўлалигича эътиборингизга ҳавола этишни лозим топдик. Улар қуйидагича:

— меҳнат жамоаларида, ўқув юртларида, аҳоли яшаш жойларида оммавий жисмоний тарбия ва спорт ишларини ривожлантириш ва такомиллаштириш;

— меҳнаткашлар, ёшлар ва айниқса, аёлларнинг бўш вақтларини сермазмун ўтказишларини ташкил этиш;

— аъзо ташкилотлар ходимлари ва уларнинг оила аъзолари ўртасида оммавий мусобақалар, спартакиадалар, туристик саёҳатлар ва фестиваллар, бўш вақтдан оқилона фойдаланишга ёрдам берувчи ҳамда халқнинг маънавий ва жисмоний камол топишини янада оширишга йўналтирилган спорт-соғломлаштириш ва интеллектуал ўйинлар ўтказиш;

— аҳолини жисмоний тарбия ва спорт билан мунтазам шуғулланишга кенг жалб этиш, турли спорт тадбирларини ташкил этиш орқали саломатликларини мустаҳкамлаш;

— фуқаролар оңгига соғлом турмуш тарзининг ижобий хислатларини сингдириб бориш;

— мамлакатимизда жисмоний тарбия ва спортнинг оммавийлигини юксалтиришда касаба уюшмаларининг ролини ошириш.

Эзгуликка йўғрилган мақсадларни рўёбга чиқариш, албатта, яна бир қанча масалаларни ҳал қилиб олишни ҳам тақозо этади. Улар, биринчи навбатда, тадбирларни ўтказиш қоидалари ва молиялаштириш тартиби билан бевосита боғлиқ бўлиб, Низомда бу нарса ҳар жиҳатдан ўз ифодасини топган.

Голибларни мукофотлаш учун эсдалик совғалари қийматининг белгиланганлиги, айтиш мумкинки, ушбу нозик масалага ёндашувда ҳар хилликка барҳам бериш билан бир қаторда, эҳтимолки юзага келиши мумкин бўлган суиистеъмолларнинг ҳам олдини олади. Бундан ташқари, таомилга кўра турли номинация бўйича алоҳида совғалар таъсис этилиши юзасидан ҳам тегишли тавсиялар мавжуд бўлиб, ташкилотчилар учун унга оғишмай амал қилишгина қолган.

Раёсат қарорида асосан туман, шаҳар, вилоят ва республика миқёсида ўтказиладиган спорт тадбирлари хусусида сўз кетса-да, унинг замирида бошланғич ташкилотлар фаолиятини жонлантириш ётганлигини пайқаш қийин эмас. Мустаҳкам оила йили мазмун-моҳияти шунга ишора беради. Бошқача бўлиши ҳам мумкин эмас. Кўрсатма юқоридан бўлгани билан ташаббус доим қуйидан бошланади.

Истаймизки, одамлар шифохона-ю дорихоналарга эмас, спорт мажмуаларию секцияларга кўпроқ мурожаат қилишсин. Зеро, энг яхши, энг қулай ва энг арзон муолажа, бу спортнинг ўзидир!

Зайниддин РИХСИЕВ,
«Ishonch» мухбири

Тадбир

Фаоллар тақдирланди

«UZKABEL» ОАЖ қўшма корхонасида Мустаҳкам оила йили ва Халқаро хотин-қизлар куни муносабати билан байрам тадбири бўлиб ўтди.

Корхонанинг эркак ишчи-ходимлари жамоадаги аёлларни байрам билан қутлаш мақсадида «Аёлга таъриф», «2 саволга - 2 жавоб», «Пазандалик маҳорати», «Мен ҳамма нарсага қодирман» каби шартларда баҳслашдилар. 35-цех ишчиси Акмал Зайниддинов танлов ғолиби деб топилди. «Ўзбегим қизлари» рақс дастаси ва «Улфатлар» жамоасининг чиқишлари барчага кўтаринки кайфият улашди.

Тадбирда энг илғор 8 нафар аёл фахрий ёрлиқ ва эсдалик совғалари билан тақдирланди.

— Айни пайтда жамоада 1860 нафар ишчи-ходим меҳнат қилади, — дейди касаба уюшма қўмитаси раиси Рустам Турсунов. — Шундан 587 нафари аёллардир. Бизда ишлаб чиқарилаётган кабел ва лок бўёқ маҳсулотлари нафақат республикамиз ички бозорини тўлдирмоқда, балки МДҲ давлатларига ҳам буюртма асосида етказиб берилмоқда. Ишимиздаги ютуқларда аёлларнинг ҳиссаси катта.

Жамшид ЭРГАШЕВ,
«Ishonch» мухбири.
Икром ҲАСАНОВ
олган суратлар

Қалам чархланганми?

Ўзбекистон Миллий матбуот марказида «Журналистика соҳасида кадрлар тайёрлаш ва қайта тайёрлаш борасидаги устувор вазифалар, тажриба ва амалиёт» мавзуида матбуот анжумани бўлиб ўтди.

Журналистлар ижодий уюшмаси, Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети, Ўзбекистон Давлат жаҳон тиллари университети ҳамкорлигида ташкил этилган анжуманда медиа соҳа раҳбарлари, олий ўқув юртлари журналистика факултети профессор-ўқитувчилари, оммавий ахборот воситалари ходимлари ва талаба-ёшлар иштирок этди.

Журналистлар ижодий уюшмаси раиси Ш.Ғуломов, Ўзбекистон Миллий университети ректори Ғ.Муҳамедов, Ўзбекистон Давлат жаҳон тиллари университети ректори А. Исмоилов ва бошқалар фуқароларнинг ахборот ҳамда сўз эркинлигини таъминлаш, миллий медиа соҳасини ривожлантириш, унинг жаҳон андозалари даражасида фаолият кўрсатиши учун зарур шароит ва имкониятлар яратилаётганини таъкидладилар.

Матбуот анжумани

Соҳадаги ислоҳотлар жараёнида мамлакатимизда амалга оширилаётган демократик янгиланишлар ҳақида халқимиз ва жаҳон ҳамжамиятини ўз вақтида хабардор этишга, бугунги мураккаб глобаллашув жараёнида рўй бераётган воқеа ва ҳодисаларга тезкор, холис, ҳаққоний муносабат билдиришга қодир юқори малакали кадрларни тайёрлашга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Жумладан, Ўзбекистон Миллий университети журналистика факултетининг бакалавриат босқичида ҳозирги кунда 350 нафарга яқин, магистратурада 66 нафар талаба таҳсил олмоқда. Уларга 10 нафардан ортиқ фан доктори ва профессор, 30 нафарга яқин фан номзоди ва доцент сабоқ бермоқда. Бундан ташқари, университет ҳузурида икки йиллик олий журналистика курси ташкил этилган. Бу курсга танлов асосида бошқа мутахассислик бўйича бакалавр даражасига эга бўлган, соҳага қизиқувчи ва салоҳиятли ёшлар қабул қилинмоқда.

Ўзбекистон Давлат жаҳон тиллари университетининг халқаро журналистика факултети 1999 йилда ташкил этилган бўлиб, ҳозирда 200 нафардан ортиқ талаба таҳсил олмоқда. Бундан ташқари, Нукус давлат университетида 30 нафарга яқин соҳанинг бўлажак вакилларига таълим бериляпти.

Анжуманда журналист кадрларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш, уларнинг малакасини ошириш тизимини замон талабига мос тарзда такомиллаштириш масалаларига алоҳида эътибор қаратилди. Олий ўқув юртларидаги таълим жараёнига илғор ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш, ижодий лабораторияларни кенгайтириш, талабаларнинг амалий билим ва кўникмаларини шакллантириш, олийгоҳлар ҳамда таҳририятлар ўртасидаги ҳамкорликни мустаҳкамлаш юзасидан амалий таклиф ва тавсиялар билдирилди.

Матбуот анжуманида ОАВ ходимларини қизиқтирган саволларга атрофлича жавоб берилди.

Адҳам АРСЛОНОВ,
«Ishonch» мухбири

Республика Киночилар уйида бўлиб ўтган «Ўзбек киноси: муаммо ва истиқболлар» мавзуидаги ижодий конференцияда замонавий қаҳрамон образини кино экранларида яратиш учун миллий кинодраматург ва режиссёрларни тайёрлаш ҳақида сўз юритилди.

Масъулият палласи

«Ўзбеккино» миллий агентлиги, Ўзбекистон Киноарбоблар бирлашмаси томонидан ўтказилган ушбу анжуманда 2011 йилда яратилган филмлар атрофлича таҳлил этилди. Унда киношунослар, маънавият тарғиботчилари, драматурглар, режиссёр ва продюссерлар, актёрлар, санъат йўналишидаги олий таълим даргоҳларининг профессор-ўқитувчилари, оммавий ахборот воситалари ходимлари, талаба-ёшлар иштирок этди.

Ўтган йили киноижодкорларимиз томонидан қатор бадиий, ҳужжатли, анимацион филмлар яратилди. «Кўрғошин», «Илова», «Афғон», «Бахт уйи», «Жасур», «Умид», «Муқаддас бурч», «Ҳақиқат куни», «Эшжон бахши» сингари бадиий филмлар, «Широқ ҳақида афсона», «Соҳибжамол қўғирчоқ», «Жўрахон», «Зумрад ва Қиммат», «Айтсам, ишонмайсиз» каби мултфилмлар шулар жумласидан. Миллий кино соҳасидаги ютуқларни намойиш этишга доир ижодий лойиҳалар, фестивал, анжуман ва кўрик-танловлар ўтказилди.

Конференцияда кино санъатини ривожлантириш йўлидаги барча қулайлик ва шароитларга қарамай, драматургия ва режиссурада ҳали ечимини кутаётган долзарб масалалар мавжудлиги таъкидланди. Киночиларнинг масъулиятини ошириш, нодавлат киностудияларда ишланаётган филмларнинг сифати ва савиясини юксалтириш, тарихий, болалар, ўсмирлар, ёшлар ҳаётини акс эттирувчи экран асарларини яратишга оид ишларни такомиллаштиришга эътибор қаратилди.

Анжуманда киноижодкорлар олдида турган долзарб вазифалар белгилаб олинди. Шунингдек, ОАВ ходимларини қизиқтирган саволларга атрофлича жавоб берилди.

Ўз мухбиримиз

Жаҳон чемпионати — 2014

Ниҳоят, Малайзиянинг Куала-Лумпур шаҳрида жойлашган Осиё футбол конфедерацияси (AFC) бош қароргоҳида узоқ кутганимиз — 2014 йил Бразилияда ўтказиладиган футбол бўйича навбатдаги жаҳон чемпионатининг ҳал қилувчи, сўнгги — тўртинчи саралаш босқичига қуръа ташлаш маросими бўлиб ўтди.

Ланди-ланди...бошланди

Қуръага кўра, Ўзбекистон миллий терма жамоаси Жанубий Корея, Эрон, Қатар ва Ливан термалари билан бирга «А» гуруҳидан ўрин олди. Мутахассислар фикрича, гуруҳдаги рақибларимизга қараганда кўпроқ имкониятга эгамиз.

Учинчи босқичда Ўзбекистон миллий терма жамоаси энг кучли гуруҳдан жой олганига қарамай, мусобақада мағлубиятсиз тўп сурди. Юртдошларимиз «С» гуруҳида Корея Халқ Демократик Республикаси футболчиларини уйда ва сафарда бир хил — 1:0, Тожикистон вакилларини меҳмонда 1:0, Тошкентда 3:0 ҳисобида мағлубиятга учратди. Осиёнинг амалдаги чемпиони — Япония миллий терма жамоасига қарши пойтахтимизда ўтказилган учрашувда 1:1 ҳисобида дуранг натижа қайд этилди. Япониядаги беллашувда мезбонлар устидан 1:0 ҳисобида зафар қучган терма жамоамиз 16 очко жамғариб, «С» гуруҳида биринчи ўринни эгаллади. Шунингдек, футболчиларимиз саралаш мусобақасининг иккинчи ва учинчи босқичларида саккизта учрашувнинг еттитасида ғалаба қозонди, бир дурангга эришди ва энг кам — атиги битта тўп ўтказиб юборган ягона жамоа бўлди.

«В» гуруҳидан эса Австралия, Япония, Ироқ, Иордания ҳамда Уммон терма жамоалари жой олди.

Терма жамоамиз бош мураббийи Вадим Абрамов қуръа натижаларига нисбатан ўз фикрини баён этди:

— Қуръа биз учун қутилмаган бўлди, дея олмайман. Бундан олдин ҳам шу рақиблар билан бир гуруҳдан жой олишимизни тахмин қилиш мумкин эди. Ўйлашимча, айни пайтда барча жамоада имконият бир хил. Чунки, ҳамма ўз олдига жаҳон чемпионатида иштирок этиш вазифасини қўйган. Йўлланма кимга насиб қилишини вақт кўрсатади. Барчаси майдонда ҳал бўлади.

Ўзбекистон терма жамоаси дастлабки учрашувни 3 июн куни Тошкентда Эрон термасига қарши ўтказади. Мутахассисларнинг таъкидлашларича, ушбу босқичда ҳам муваффақиятли иштирок этишимиз учун кўп нарса айнан дастлабки баҳсларни қандай ўтказишимизга боғлиқ.

Ҳал қилувчи босқич ўйинлари 2013 йилнинг 18 июнига қадар давом этади. Сўнгги турда терма жамоамиз ўз майдонида қатарлик футболчиларга қарши тўп суради.

Эслатиб ўтамиз, ҳар бир гуруҳдан 1- ва 2-ўринни эгаллаган терма жамоалар 2014 йили Бразилия яшил майдонларида ўтказиладиган жаҳон чемпионатига тўғридан-тўғри йўлланма оладилар. Гуруҳ баҳсларида учинчи ўринни эгаллаган терма жамоалар эса йўлланма учун курашишда давом этадилар.

Қуйида терма жамоамиз жой олган «А» гуруҳи ўйинлар тақвими:

1-тур. 3 июн, 2012 йил; **Ўзбекистон** — Эрон; Ливан — Қатар
2-тур. 8 июн, 2012 йил; Қатар — Жанубий Корея; Ливан — **Ўзбекистон**
3-тур. 12 июн, 2012 йил; Жанубий Корея — Ливан; Эрон — Қатар
4-тур. 11 сентябр, 2012 йил; **Ўзбекистон** — Жанубий Корея; Ливан — Эрон
5-тур. 16 октябр, 2012 йил; Эрон — Жанубий Корея; Қатар — **Ўзбекистон**
6-тур. 14 ноябр, 2012 йил; Эрон — **Ўзбекистон**; Қатар — Ливан
7-тур. 26 март, 2013 йил; Жанубий Корея — Қатар; **Ўзбекистон** — Ливан
8-тур. 4 июн, 2013 йил; Ливан — Жанубий Корея; Қатар — Эрон
9-тур. 11 июн, 2013 йил; Жанубий Корея — **Ўзбекистон**; Эрон — Ливан
10-тур. 18 июн, 2013 йил; Жанубий Корея — Эрон; **Ўзбекистон** — Қатар

А. АДҲАМОВ

Транспорт, йўл, капитал қурилиш ва қурилиш индустрияси ходимлари касаба уюшмаси Наманган вилоят кенгаши жамоаси Наманган шаҳар Қурилиш ва ижтимоий-иқтисодий касб-ҳунар коллежи касабақўм раиси Охундеда Каримовга онаси **РОВЗАХОН ая**нинг вафоти муносабати билан чуқур таъзия билдиради.

«Бўстон санаторийси» МЧЖ маъмурияти санаторийда кўп йиллардан бери ҳуқуқшунос вазифасида ишлаган **Арслон ШАБИДИНОВ**нинг вафоти муносабати билан унинг оила аъзоларига чуқур ҳамдардлик билдиради.

O'KUF FTUU

Muassis:
O'zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasi

Bosh muharrir:
Abduxoliq Abdurazzoqov

Tahrir hay'ati:
Normamat ALLAYOROV,
Muhammad Ali AHMEDOV,
Oksana BELAUSOVA,
Dovud MADIYEV
(Bosh muharrir o'rinbosari),
Baxtiyor MAHMADALIYEV,
Sog'indiq NIYETULLAYEV,
Eson RAJABOV,
To'lqin TESHABOYEV,
Jahongir SHAROFBOYEV
(Mas'ul kotib)

Bo'limlar:
Kasaba uyushmalari hayoti 256-87-63
Huquq va xalqaro hayot 256-03-90
Ijtimoiy-iqtisodiy siyosat 256-87-74
Milliy-ma'naviy qadriyatlar va sport 256-82-79
Xatlar va muxbirlar bilan ishlash 256-85-43
Reklama va e'lonlar 256-87-73

Viloyatdagi muxbirlar:
Andijon + 99897 465 05 68;
Buxoro + 99893 653 50 81;
Jizzax + 99872 360 00 10;
Navoiy + 99894 226 28 84;
Namangan + 99897 491 79 28;
Samarqand + 99866 708 70 12;
Surxondaryo + 99897 458 05 07;
Farg'ona + 99873 221 93 19;
Qoraqalpog'iston Respublikasi va Xorazm + 99862 562 56 75;
Qashqadaryo + 99897 414 30 78

Manzilimiz:
100165, Toshkent shahri, «Buxoro» ko'chasi, 24-uy
E-mail: ishonch2011@gmail.com

Nashr ko'rsatkichi:
133

Navbatchi muharrir:
A. Qodirova

Navbatchi:
S. Abdurahmonov

Musahhih:
S. Shodiyeva

Gazeta «Ishonch»ning kompyuter markazida terildi va sahifalandi.
Sahifalovchi:
H. Abdujalilov

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida chop etildi. Korxona manzili: «Buyuk Turon» ko'chasi, 41-uy.

Gazeta haftaning seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi. Sotuvda erkin narxda.

«Ishonch»dan olingan ma'lumotlarda manba sifatida gazeta nomi ko'rsatilishi shart. Mualliflar fikri tahririyat nuqtai nazaridan farqlanishi mumkin.

(h) - Tijorat materiallari

2007 yil 11 yanvarda O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida 0116-raqam bilan ro'yxatga olingan.

Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi. Hajmi 2 bosma taboq.

Bosishga topshirish vaqti - 21. 00
Topshirildi - 22.10

Buyurtma Г — 311

23549 nusxada bosildi

1 3 4 5